RESPUBLIKA MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



**ЭРТАГА БУЮК БОБОМИЗ МИР АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН**

*Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,*
*Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.*
*Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,*
*Булбулға тикандек ошён бўлмас эмиш.*

**ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ИККИНЧИ ЙИҒИЛИШИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА**

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг иккинчи йиғилиши 2000 йил 11 февраль куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 10 февраль соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.


# O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ 8 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

№ 17 (25.567).

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитасини Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигига айлантириш тўғрисида

Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини бошқаришни янада такомиллаштириш ва назорат қилиш самарадорлигини таъминлаш мақсадида:

1. Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитаси Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигига айлантирилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Агентлик қайта ташкил этилаётган Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан саноатда ишларнинг бехатар олиб борилиши бўйича қонунчилик ҳамда меъёрий-техник ҳужжатлар талабларига, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, минерал хомашёни қайта ишлаш ва металлургия жиҳатидан саралаш, шунингдек кон ишларининг геология-маркшейдер таъминоти талабларига риоя қилиниши устидан давлат назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш;

ўта хавфли ишлаб чиқариш билан боғлиқ корхоналарнинг (мулкчилигининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар) техника хавфсизлиги бўйича меъёрий ҳужжатларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикасининг кон-қутқарув хизматларига тезкор ва услубий раҳбарлик қилиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича қарор қабул қилсин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ*

Тошкент шаҳри,
2000 йил 7 февраль

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитасини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармасига айлантириш тўғрисида

Ўрмон хўжалиги соҳасида бошқариш тузилмасини такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш ва ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармасига айлантирилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси:

илгари Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси тасарруфига кирган ўрмон хўжалигининг барча бўлинмаларига раҳбарлик қилади ва уларни бошқаради;

қайта ташкил этилаётган Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ўрмон хўжалиги соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини, ўрмондан фойдаланувчиларнинг барчаси учун мажбурий бўлган ўрмон ва овчилик хўжаликларини юритиш бўйича меъёрий-техник ҳужжатларнинг ижросини назорат қилиш;

ўрмон фондини бошқариш, ўрмонлардан фойдаланиш, уларни тиклаш, қўриқлаш ва муҳофаза қилишни ташкил этиш, ўрмон хўжалиги ҳудудида қўриқхона ва миллий боғлар ишини юритиш;

экологияни яхшилаш ва сув ресурсларини кўпайтириш, қишлоқ хўжалигига қарашли ерларнинг чўлга айланишининг олдини олиш учун ўрмон хўжалигида ўрмон бойликларини ҳар томонлама кенгайтиришга ва улардан оқилона фойдаланишга йўналтирилган ягона техник сиёсат юритиш;

ўрмон фондини, ҳайвонот ва наботот оламини ҳисобга олиш ва ўрганиш, фан ютуқлари ва илғор тажрибани ўрмон хўжалигига жорий этиш;

республикада ўрмонларни тиклаш ва иҳота ўрмонларини кўпайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тоғ ёнбағирлари, жарликлар ва ташландиқ ерларда эрозияга қарши дарахтзорлар барпо этиш ишлари бажарилишини ташкил қилиш;

ўрмонларни ёнғиндан, ўзбошимчалик билан дарахт кесишдан ва бошқа ўрмон қоидалари бузилишларидан муҳофаза қилиш;

қўриқхона ишларини, овчилик хўжалигини юритиш, ҳайвонларни қўриқлашни таъминлаш ҳамда ов қилиш қоидалари, меъёрлари ва муддатларига, овчилик хўжалигини юритиш тартибига ва ҳайвонот оламини қўриқлаш ва ундан фойдаланишга доир бошқа талабларга риоя этилишини назорат қилиш;

ўрмон хўжалиги корхоналари ва ташкилотларини малакали кадрлар билан таъминлаш.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф киритсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича қарор қабул қилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 12 февралдаги 144-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ*

Тошкент шаҳри,
2000 йил 7 февраль

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 8 февралдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади**

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 90,24 |
| 1 Австрия шиллинги | 10,26 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 227,68 |
| 10 Бельгия франки | 35,00 |
| 1 Голландия гульдени | 64,07 |
| 10 Греция драхмаси | 4,25 |
| 1 Дания кронаси | 18,98 |
| 1 БАА дирхами | 38,88 |
| 1 АҚШ доллари | 142,80 |
| 1 Миср фунти | 41,63 |
| 10 Испания песети | 8,49 |
| 100 Италия лираси | 7,29 |
| 1 Канада доллари | 99,04 |
| 1 Хитой юани | 17,25 |
| 10 Люксембург франки | 35,00 |
| 1 Малайзия ринггити | 37,59 |
| 1 Германия маркаси | 72,19 |
| 1 Польша злотийси | 34,26 |
| 1 СДР | 191,89 |
| 1000 Туркия лираси | 0,26 |
| 1 Финляндия маркаси | 23,75 |
| 1 Франция франки | 21,53 |
| 1 Швейцария франки | 87,88 |
| 1 ЕВРО | 141,20 |
| 10 Жанубий Корея вони | 1,27 |
| 10 Япония иенаси | 13,28 |
| 1 Россия рубли | 4,96 |
| 1 Украина гривнаси | 26,08 |

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

## ҚАТНОВ ЭНДИ ТЎХТАМАЙДИ

Йўллар бу — Ватан белбоғларидир. Ана шундай муҳим «белбоғ»лардан бири ҳисобланган М-39 рақамли йўлнинг 1286 километридан то 1301 километригача бўлган қисми Деҳқонобод туманининг юксак тоғ довонларидан ўтади.

— Бу тоғ йўлининг шароити шундай мураккаб эдики, — дейди Қашқадарё «Автойўл» бирлашмасига қарашли Китоб автойўлдан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Камол Маҳкамов, — доим сел келганда ювиб кетар, натижада қатнов тўхтаб қоларди. Йўлни созлаш ишлари саксон биринчи йилда бошланиб кейин ташлаб кетилган. Мустақиллик туфайли икки вилоят — Қашқадарё ва Сурхондарёни боғловчи йўлнинг Деҳқонобод туманидан ўтадиган қисмини таъмирлашга киришилди. Илгари йўлнинг шу қисми 35 метр пастдан ўтарди. Янги лойиҳада тошларни портлатиб, тўғри кесиб чиқиш кўзда тутилганди. Бошқармамизнинг Комил Бобоев бошлиқ йўлсозлари уч йил ичида катта ишларни бажаришди. Сув ўтадиган жойларга алоҳида қувурлар ўрнатилди. Йўл четига тўсиқлар қурилди. Энди бу йўлни сел ололмайди.

■ **Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**



Владимир ПАНОВ олган сурат

Бинокорлик — давр кўзгуси

## «ЖАҲОН» АА ХАБАРИ

Шу йилнинг 6 февраль куни соат 11 дан 08 дақиқа ўтганда афғон авиакомпаниясига қарашли «Боинг-727» русумли фуқаро ҳаво кемаси Термиз шаҳри ҳудудида Ўзбекистон чегарасини кесиб ўтди.

Самолёт экипажи билдирган баёнотига кўра, бунинг сабаби Мозори-Шарифдаги қўниш учун ноқулай об-ҳаво шароитлари ва юзага келган авария ҳолати бўлган. Самолёт Ўзбекистон чегарасини кесиб ўтиб, шу заҳотиёқ Тожикистон ҳудуди томон ҳаракатланди.

Соат 11 дан 30 дақиқа ўтганда самолёт Ўзбекистон ва Тожикистон чегарасида — Бекобод шаҳри атрофида пайдо бўлди.

Самолёт Тошкент шаҳар ҳаво ҳужумига қарши мудофаа хизмати ва ердан берилган огоҳлантиришларга қарамасдан ҳеч қандай келишувсиз, авария ҳолатида Тошкент аэропортига қўнди. Шундан сўнг ҳаво кемаси хавфсиз жойга кузатиб борилди.

Экипаж самолётни тарк этмаган ҳолда музокаралар ўтказиб, уни ёнилғи ва озиқ-овқат билан таъминлашни ҳамда ҳарбийларни самолётга яқинлаштирмасликни талаб қилди. Шунингдек, экипаж самолётда қуролланган кишилар ҳамда 170 нафар йўловчи борлигини ва агар қўйилган шартлар бажарилмаса, ҳаво кемасини портлатиб юборишларини маълум қилди.

Шундан сўнг ўзбек томони самолётни ёнилғи билан таъминлаш ва унинг учиши учун рухсат беришга қарор қилди.

Экипаж 10 нафар кишини, жумладан, 5 нафар эркак, 4 нафар аёл ва 1 нафар болани самолётдан тушириб қолдирди. Улар тиббиёт масканига жойлаштирилди.

Соат 15 дан 45 дақиқа ўтганда самолёт номаълум йўналишда учиб кетди.

***

Хабар қилинганидек, жорий йилнинг 6 февралида Тошкент аэропортига рухсатсиз қўнган афғон авиакомпанияси самолётидан 10 та йўловчи — 5та эркак, 4 та аёл ва бир бола тушириб қолдирилган эди. Барча йўловчилар тиббий муассасага жойлаштирилиб, уларга тегишли ёрдам кўрсатилганди.

Уларнинг БМТ вакиллари, хорижий ва маҳаллий журналистлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Афғонистон фуқаролари Ўзбекистон ҳукуматига кўрсатилган тиббий ва инсонпарварлик ёрдами учун миннатдорчилик билдирдилар.

Шу йилнинг 7 февраль куни соат 16.30 да Афғонистоннинг барча 10нафар фуқароси БМТнинг Қочоқлар бўйича олий комиссариати вакили жаноб Ф. Ремус иштирокида Термиз шаҳри орқали ўз ватанлари — Афғонистонга ўтказиб юборилди.

**ЙИЛ ОЙ КУН**

## ЖАББОР ПОЛВОН АМЕРИКАГА БОРАДИ



Миллий курашимизни жаҳон тан олди. Сўнгги йилларда юртимиздан кўплаб алпомишсифат йигитлар жаҳон чемпионлари бўлишди. Ўзбекнинг ана шундай довруқли полвонларидан бири, таниқли устоз, қатор спартакиада мусобақаларининг ғолиби, миллий кураш бўйича Ўзбекистоннинг мутлақ чемпиони, спорт устаси деновлик Жаббор полвон Маҳмарасулов яна кураш гиламига қайтди.

Яқинда пойтахтимиз Тошкентда ўтказилган «Кураш — менинг ифтихорим» ойлигида фахрийлар ўртасида Жаббор полвон Маҳмарасулов (90 килограммдан ортиқ вазнда) биринчи ўринни эгаллаб чемпион бўлди ва миллий кураш бўйича океанортида ўтадиган халқаро турнирга бериладиган йўлланмани қўлга киритди.

— Ўзлигимиз ўзимизга қайтди, — дейди Жаббор полвон Маҳмарасулов. — Орзуим Америкада озод Ўзбекистон байроғини баланд кўтариш

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ, Зарифжон ХИДИРОВ**

## НАВОИЙГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Алишер Навоий туғилган куннинг 559 йиллиги муносабати билан Навоийхонлик кечаси ўтказилди. Унда республикамизда кўзга кўринган навоийшунос олимлар, шоир-ёзувчилар ва академиянинг тингловчилари иштирок этди. Кечада Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, профессор Абдуқодир Ҳайитметов, «Олтин мерос» халқаро жамғармаси раиси Муҳаммад Алилар Навоийнинг адабий мероси ҳақида маъруза қилишди. Навоий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар янгради.

■ **Шуҳрат ОРИФ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## ҚИЗИЛҚУМДА АРАБИ ЛОЧИНЛАР



Қизилқум кенгликлари табиати, ҳайвонот олами мустабид тузум даврида шундай топталдики, ҳатто дарранда ва паррандага ҳам шикаст етди. Натижада, лочин, бойўғли, қизилйўрға каби қушлар томоман қирилиб битди. Ўрта Осиёда кенг тарқалган турна, лайлак, ғознинг аксарият турлари «Қизил китобга» тушиб қолди. Айни кезда нафақат Қизилқум, Қорақум кенгликлари, балки Амударё, Сирдарё, Зарафшон соҳилларида ҳам қашқалдоқ, лочин сингари ноёб қушлар турини учратиш амри маҳол. Бунга ўхшаш муаммолар сабаб яқинда Қизилқум сарҳадларига, аниқроғи, Айдаркўл соҳилларига Саудия Арабистонидан келтирилган ўнлаб тождор лочинлар махсус белгилар остида қўйиб юборилди. Бу қушларнинг табиатимизга хос ва мослигини, уларнинг қай тарзда кўпайишини эса вақт кўрсатади.

■ **Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

# Самимий қутловлар

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Сизни муборакбод этишга ва ўзимнинг энг эзгу тилакларимни изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Ишончим комилки, ўзбек халқи Сизнинг раҳбарлигингизда ўз Ватанида ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлаш ва бозор иқтисодиётини барпо этиш учун бундан буён ҳам куч-ғайрат сарфлайверади, шу тариқа Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори янада ўсишига эришади ва Ўрта Осиё минтақасида барқарорликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.

Венгрия Республикаси Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро манфаатдорликка асосланган икки томонлама муносабатларни ривожлантиришдан иборат ўз мажбуриятларига доимо содиқдир.

Муҳтарам Президент Жаноблари, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва улкан муваффақиятлар, шунингдек Сиз орқали қардош ўзбек халқига буюк зафарлар тилайман.

Эҳтиром билан,

■ **Арпад ГЁНЦ,**
**Венгрия Республикаси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан Сингапур ҳукумати ва халқи номидан Сизга ғоят самимий қутловларимни йўллайман.

Сизнинг қайта сайланганингиз ўзбек халқининг Сизнинг узоқни кўра билувчи доно раҳбарлигингизга ишончининг намойишидир.Сизнинг етакчилигингизда Ўзбекистон равнақ ва барқарорлик йўлини давом эттиришига шубҳам йўқ.

Сизнинг Президентлигингиз даврида Сингапур билан Ўзбекистон ўртасида муносабатлар мустаҳкамланди.Мамлакатларимиз ушбу асосда мавжуд алоқаларни келгусида тобора чуқурлаштириб, кенгайтириб бораверадилар, деб ишонч билдираман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

■ **С.Р.НАТАН,**
**Сингапур Республикаси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Янги Президентлик муддатига қайта сайланганингиз ҳамда Ўзбекистон халқи билдирган ишонч муносабати билан Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, шунингдек масъулиятли лавозимингизда муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса бундан буён ҳам тараққиёт ва равнақ тилаш билан бирга, ғоят самимий қутловлар йўллаш менга мамнуният бахш этади.

■ **Ҳафиз АСАД,**
**Сурия Араб Республикаси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноб Президент,

Сиз Жаноби Олийларини Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланишингиз муносабати билан Камбоджа қироллиги парламенти, ҳукумати ва халқи ҳамда ўз номимдан қизғин табриклаш шарафига муяссар бўлганимдан ғоят бахтиёрман.

Ўзбекистон давлатига ва халқига бошчилик қилишдек тарихий вазифангизда Сизга улкан муваффақиятлар тилаб, эзгу истакларимизни изҳор этамиз.

Сизга бўлган чуқур ҳурмат эътиборимни қабул эттайсиз.

■ **Нородом СИАНУК,**
**Камбоджа Қироли**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Македония халқи ва шахсан ўз номимдан самимий қутловлар йўллаш билан бирга ушбу ғоят масъулиятли лавозимдаги фаолиятингизда энг эзгу тилакларни изҳор этишни истардим.

Фурсатдан фойдаланиб, шуни таъкидламоқчиманки, биз дўст мамлакатларимиз ўртасида барча соҳалардаги ўзаро манфаатли муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришга тайёрмиз.

■ **Борис ТРАЙКОВСКИЙ,**
**Македония Республикаси Президенти**

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

## ИШЛАР ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

Нукусда бўлган Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия бюросининг навбатдаги мажлисида «Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари шаҳар ва туманлар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловларнинг якунлари тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

Унда бўлиб ўтган сайлов ва сайловолди ишлари атрофлича таҳлил этилди, Олий Мажлис, Жўқорғи Кенгес депутатлигига Ўзбекистон ХДПдан тавсия қилинган номзодларнинг сайловолди дастурлари билан таништириш учун барча имкониятлар яратилгани, ҳар бир номзоднинг дастури сайловчиларга тўла равишда етказилгани таъкидлаб ўтилди.

Шунга қарамасдан Ижроия бюро мажлисида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда, депутатликка номзодлар танлашда, тарғибот-ташвиқотнинг турини ҳар бир аудиториянинг ўзига мос равишда олиб боришда айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги айтилди.

Сайловлар асосан ҳаракатдаги қонунлар асосида ўтказилгани алоҳида қайд этилди. Бу эса мамлакатимизда демократияни ривожлантиришга қаратилган улкан қадам ҳисобланади.

Шунингдек, Ижроия бюро мажлисида «Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика ташкилотидан кўрсатилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига сайланган депутатлар фракциясини тузиш ва уларнинг иш ҳаракатларини ташкил этиш тартиби», «Ўзбекистон ХДП республика Кенгаши XVI Пленуми, 1999 йил 25 январдаги ижроия бюро қарорини тўлдириш, молия-хўжалик ишлари якунлари» ҳақидаги ва бошқа масалалар ҳам кўрилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан кенгайтирилган қарорлар қабул қилинди.

■ **Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## «СИМЕНС» БЕМОРЛАР ХИЗМАТИДА

Яқинда республика бюджетидан ажратилган маблағ ҳисобига Бухородаги Ибн Сино номли тиббиёт институтининг вилоят клиник касалхонасида Германиянинг жаҳонга машҳур «Сименс» фирмасининг энг сўнгги моделдаги рентген техникаси ўрнатилди. Қиймати 1 млн. 280 минг дойч марка турадиган бу мураккаб техника ёрдамида ҳар куни 25-30 бемор қабул қилиниб, улардаги ўпка, суяк ва урологик касалликлар тез аниқланяпти.

Энг муҳими шуки, врачлар, аввалгидек қоронғуда рентген суратларини олмаяптилар, балки ишлар ёруғликда бажарилиб, рентген суратлари мониторларда акс этмоқда.

Яна бир жиҳати — ренгтен аппарати билан ишлайдиганлар ҳам, беморлар ҳам нурланишдан ҳолидирлар.

■ **Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

ОЧИҚ ГАПЛАР

## МУЛК ШАКЛИ ЎЗГАРДИ, АММО...

Пахтакор туманидаги Акмал Икромов номли ижара-ширкат хўжалиги ўтган йилнинг май ойида пайчилик усулида ишлашга ўтган эди. Бугун хўжаликнинг 7 миллион 547 минг сўмлик Низом жамғармасига 268 нафар пайчи эга. Шундан 60 фоизи ёки 4 миллион 520 минг сўмдан кўпроғи пай жамғармасини шакллантиришга йўналтирилган.

Хўш, мулк шакли ўзгаргач, хўжаликда ишлар қандай бўлаяпти? Меҳнатга ва мулкка муносабат масаласида нималар ўзгармоқда? Саволларга жавоб топиш мақсадида хўжаликда бўлдик.

Бош ҳисобчи Исоқ Бойдилов ҳамроҳлигида хўжаликка қарашли марказий иситиш тармоқлари қозонхонаси жойлашган бино ичкарисига қадам қўямиз. Чор-атроф молхонадан хароб. Нарсалари талон-торож бўлиб кетган. Бинога яқин 4-5 йил ичида раҳбарларнинг кўзлари тушмаган, деб айтолмаймиз. Чунки, у хўжалик офиси билан ёнма-ён савлат тўкиб турибди.

— Бу бино ҳам пай жамғармаси ҳисобига киритилган ва у ҳам пайчиларнинг мулки ҳисобланади, шекилли. Мулкни қадрламай, бинони бу ҳолатда сақлаб тургунча тадбиркорлардан кимгадир ёки қайсидир ташкилотга сотиш ёҳуд ижарага бериш ҳақида ўйлаб кўрилса бўлмасмиди? — сўраймиз ҳисобчидан.

— Тўғри айтдингиз. Бир чорасини топамиз.

Бу жавобни эшитгач, ҳафсаламиз пир бўлди. Бош ҳисобчи шундай деб тургач, ишчи ёки механизатордан, бошқача айтганда оддий пайчидан ниманиям кутса бўлади. Демак, мулк шакли ўзгаргани билан мулкка бўлган муносабат ўзгармабдида, деган фикрга борасан.

Хўжаликнинг марказий таъмирлаш устахонасида бир нечта таъмирловчилар ва механизаторларни учратдик. Бир қарашда уларнинг кайфиятлари тушкунроқ эканлигини сезиш қийин эмас. Эҳтиёт қисмлари ечиб олинган, қуруқ савлатга айланган «Алтай» тракторини ва бу ердаги одамларнинг руҳиятини кўриб, ҳайратландик.

Одамлар хўжалик қўрғонининг ярмида ичимлик суви бору, ярмида йўқлигидан, йил бўйи челак кўтариб, овора-ю сарсон бўлаётганликларидан нолийдилар. Ҳар қадамда ахлат ва чиқинди уюмлари, қаровсиз ётган бинолар, яхши ният билан бозорча учун мўлжаллаб қурилаётган иншоотнинг аянчли ҳолати ҳам ҳақиқий аҳволдан далолат бериб турарди.

Тўғри, хўжаликда 1999 йилда 573 гектар майдонга ғалла экилиб, ҳар гектар ердан 20 центнердан дон, 597 гектар майдонда пахта етиштирилиб, 27 центнердан пахта ҳосили олинди ва йиллик шартномавий режалар бир амаллаб бажарилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, озми-кўпми фойда олиш ҳам кўзланаяпти. Булар яхши. Лекин бундан пайчига фойда бўлармикин? Ҳозирча аниқ бир нарса дейиш қийин. Чунки, харажат кўп, ҳисоб-китобларда аниқлик йўқ, пайчиларда мулк, унга бўлган муносабат, пай улуши, пайчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида тушунча етарли эмас. Аҳвол шундай давом этаверса, мулкка бўлган муносабат ўзгармаса, фойдага умид боғлаб бўлармикин?

Ўйлаймизки, хўжалик раҳбарияти (Нарзулла Қўшбоқов), қолаверса туман ҳокимлиги хўжаликдаги мавжуд аҳволни ўнглаш, мулк шакли ўзгарган жамоада мулкка бўлган муносабатни ҳам ўзгартириш борасида таъсирчан ва амалий чора-тадбирларни кўрадилар.

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

## ТОМЧИЛАРДАН ПАЙДО БЎЛАР КЎЛЛАР ҲАМ

«Фарғона ёғмой» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раисининг ўринбосари Камолхон Маҳмудов билан суҳбатимиз асосан корхонанинг ўтган йили эришган ютуқлари, жорий йил режалари ҳақида борди. Суҳбатдан шу нарса аён бўлдики, ҳиссадорлар 1999 йилни муваффақиятли якунлашибди. Ўтган йили 79 минг 598 тонна пахта чигити қайта ишланиб, қора ёғ ва тозаланган ёғ режалари ортиғи билан уддаланди. Жумладан, қора ёғ ишлаб чиқариш режаси 120,7 фоизга, тозаланган ёғ бўйича 121,8 фоиз, хўжалик совуни бўйича 127 фоиз, глицерин бўйича 101,4 фоизга бажарилди.

Аслида мазкур корхона 1930 йилда ишга туширилган. Ўшандан буён завод тобора кенгайиб, маҳсулот турлари ҳам кўпайиб борди. Ишлаб чиқариш эса ўсди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, корхона цехлари қайта таъмирланди. Янги-янги қувватлар, линиялар, дастгоҳлар асбоб-ускуналар ўрнатилди. Ривожланган мамлакатлардаги сифатли ва экологик жиҳатдан тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси ўрганиляпти. Шу боис корхона раҳбарлари, муҳандис-техник ходимлари хорижий давлатларга тез-тез сафар қилиб туришади. Бунинг натижасида замонавий лойиҳалар, режалар ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Буни биз ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси Маматқул Маматқулов, корхона маънавият ва маърифат ишлари раҳбари Ҳамза Исмоилов билан биргаликда цехларни айланганимизда гувоҳи бўлдик.

— Корхонамиз ҳудуди 40 гектардан иборат, — дейди Маматқул ака. — Уни тўлиқ айланиб чиқиш учун бир кун ҳам етмайди.





Корхона лабораториясидамиз. Бу ерда тажрибали ходимлар ёғ сифатини мураккаб асбоб-ускуналар ёрдамида текширишар экан. Демак, корхона маҳсулотининг эл орасидаги обрў-эътибори, харидоргирлиги шу инсонларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Наинки ёғ, ҳатто шелуха ва кунжаранинг сифати ҳам обдон текширувдан ўтади.

Механика цехида эса ўзгача манзаранинг гувоҳи бўлдик. Бу ерда ўз ишининг билимдони бўлмиш ажойиб усталар билан бирга талайгина ёшлар астойдил тер тўкишяпти. Цехдагилар ҳиссадорлик жамиятининг бутун бошли иш жараёнининг узлуксиз иш маромини таъминлайдилар. Айтайлик, бирон цехда қандайдир дастгоҳ ишдан чиқди. Шу пайт механика цехидаги моҳир усталар дарров етиб келишади. Ишдан чиққан яроқсиз деталларни тезда алмаштиришади. Қарабсизки ишлаб чиқариш жараёни ўз маромида давом этаверади.

Совун цехига ўтганимизда ҳайратландик. Бутун бошли цех негадир жим-жит.

— Ҳайратланишнинг ҳожати йўқ, — деди бош муҳандис. — Цехдагилар январь ойи режасини аллақачон бажариб бўлишган. Халқимизга кўплаб 70 фоизли хўжалик совуни етказиб берилди. Айтмоқчи, мана шу цехда кўп, йиллардан бери атир совун ҳам ишлаб чиқарилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу атир совун ишлаб чиқаришга ихтисослашган республикамиздаги, ҳатто Ўрта Осиёдаги ягона цехдир. Айни пайтда 100 граммли қилиб қадоқланган атир совун ишлаб чиқариш режаси бажарилмаяпти. Сабаби эса оддий. Совун ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган кокос ёғи, сунъий тола, мол ёғи ва пальма ёғи етишмаяпти. Бундан ташқари антал, пластиболь, пардоз ёки вазелинли ёғлар, метанил радамин, бирюза бўёқлар топилмаётганлиги боис атир совунни

1

кўплаб ишлаб чиқариш имконияти бўлмаяпти. Айни пайтда бу борадаги ишларни ривожлантириш учун «Ўзёғмойтамакисаноат» уюшмаси раҳбарияти ҳамда ҳиссадорлик жамиятимизнинг раиси Раимжон Усмонов бош қотиришмоқда. Яна бир гап. Бугунги кунда совун ишлаб чиқаришда асосий хомашё ҳисобланмиш каустик сода ўзга юртлардан валютага келтирилмоқда. Яқин келажакда бу муаммо ҳам ижобий ҳал бўлишига ишончимиз комил. Бинобарин, Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот шаҳрида улкан сода заводи бунёд этиляпти. Яқин истиқболда бу корхона ишга тушгач, цехимизнинг муаммолари барҳам топади.

Ҳамроҳларимиз билан Ўрта Осиёда ягона ҳисобланмиш глицерин цехига ўтдик.. Бу ердаги тозалик, тартиб-интизом бизни қувонтирди. Тиббиёт саноатида энг муҳим хомашё ҳисобланган глицерин ишлаб чиқариш ўта мураккаб экан. Тома-тома кўл бўлур деганларидек, тайёр маҳсулот дастгоҳлардан томчилаб тушар экан. Ана шу томчилардан тонналар вужудга келади. Яъни, цехдагилар ўтган йили халқ хўжалигига 1000 тоннадан зиёд дистилланган тоза глицерин етказиб беришди.



Шундай йирик корхонада, яъни шелуха, кунжара бисёр бўлган жойда ёрдамчи хўжаликнинг бўлмаслиги мумкин эмас. Бу ерда ажабтовур ферма бунёд этилган. Бир томонда соғин сигирлар, бошқа томонда эса боқувга қўйилган зотдор новвослар. Вазни бир тоннага яқин келадиган новвослар боғловда боқиляпти. Зеро, халқимизда «қўй яйловда — мол боғловда семиради», деган нақл бор. Ана шу нақлга амал қилган чорвадорлар қорамолларни ширали озуқалар билан парваришламоқдалар. Умуман олганда, чорвачилик мажмуида 400га яқин қорамол боқилмоқда. Шундан 70 га яқини соғин сигир. Ўтган йили бу ерда 23,4 тонна гўшт ва 17,8 тонна сут етиштирилди. Ана шу маҳсулотнинг асосий қисми корхона ишчиларига тарқатилди. Корхонага қарашли кўл ҳам мавжуд. Ҳозир кўлда балиқ боқиляпти. Шунингдек, корхона тасарруфида 50 гектарлик экин майдонлари ҳам бор. Бу ерда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳам корхона ишчиларига тарқатилади.

Ҳиссадорлик жамиятида яна бир нарса бизни ажаблантирди. Одатда ёғмой корхоналарининг шелуха ва кунжара чиқадиган цехлари ёнида юк машиналари карвонини кўрар эдик. Ҳайдовчилар-у ем олувчиларнинг асаби таранглашарди. Бу ерда эса аксинча, навбат йўқ.

— Маълумки, республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан тайёр маҳсулотнинг 70 фоизи ҳомашё етиштирганларга берилади, деди биз билан суҳбатда Раимжон ака. — Яъни хўжаликлар, фермерлар шелухани ҳам, кунжарани ҳам ўз вақтида олишлари керак. Бугунги кунда кўпчилик хўжаликларнинг ёки фермерларнинг тайёр маҳсулотни олиб кетиш учун транспорти йўқ. Шу боис биз барча маҳсулотни хўжаликларга ўз транспортимизда етказиб берамиз. Бу харажат жами маҳсулот ҳажмининг 3-5 фоизини ташкил этади, холос. Айнан шу сабабли бизда навбат кутиш мутлақо йўқ.

2





Умуман олганда корхонамиз уюшмадаги энг йирик корхоналардан бири. Ўтган йилнинг ўзида 4 миллиард 617 миллион сўмликдан зиёд халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарганимиз буни исботлаб турибди. Лекин бизда биргина муаммо борки, яқин келажакда у ҳам ўз ечимини топади. Яъни, бизда тайёрланаётган атир совун сифатини янада оширишимиз лозим. Шу мақсадда янги совун цехини бунёд этдик. Бунинг учун 2 миллиондан зиёд АҚШ доллари сарфланди. Ана шу цехда йилига 16 минг тонна ҳар томонлама сифатли, хушбўй ироқи (атир) совунлар ишлаб чиқаришимиз керак. Бу маҳсулотни чиройли муляжларда, ажойиб этикеткали қоғозларда чиқарсак, улар хорижда ҳам ўз харидорини топади. Яъни, тайёр совунларнинг қарийб 65-70 фоизини четга чиқариб сотишимиз мумкин бўлади. Унинг 30-35 фоизи республикамиз ички бозорини таъминлашга бемалол етади. Бу билан хориждан маҳсулот келтирилишига чек қўйилади. Импорт ўрнини босувчи маҳсулот кўпайгани боис мамлакатнинг қанчадан-қанча валюта маблағлари тежаб қолинади. Янги цехга Италиянинг илғор фирмаларида ишлаб чиқарилган замонавий линияларни ўрнатишимиз зарур.

Бу масаланинг ечими айни кунда маблағга бориб тақалмоқда. Европа тараққиёт ва тикланиш банкидан 5 миллион 700 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олишимиз керак. Яқинда банк мутахассислари корхонамизга келиб, мавжуд аҳвол билан танишиб кетишди. Ажаб эмас, тез орада бу иш ҳам амалга ошса.

Тараққиётнинг ойдин йўлига тушиб олган мазкур корхона ишчи-хизматчилари 2000 йилни ҳам яхши бошлашди. Бу йил уларнинг режалари янада улкан. Улар 88 минг тонна пахта чигити ва 10 минг тонна соя донини қайта ишлашни мўлжаллашган. 16990 тонна қора ёғ, 14495 тонна тозаланган ёғ, 3000 тонна қадоқланган ёғ, 7000 тонна 70 фоизли хўжалик совуни, 3000 тонна атир совун, 16 минг тонна саломас, 1100 тонна дистилланган глицеринни ишлаб чиқариш режалаштиришган. Корхонанинг 1300 кишилик аҳил жамоаси бу вазифаларни шараф билан уддалайди, деган умиддамиз.

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

*Суратларда: корхона цехларидаги яратувчилик меҳнатидан айрим лавҳалар*

3

# АЁНКИМ, ВАТАН УЗРА ТО ЖОНИ БОР, КИШИ ҲАРБ ЭТАР ТОКИ ИМКОНИ БОР.

## ҚАЛБ ОЗОДЛИГИ

*Навосиз улуснинг навобахши бўл,*
*Навоий ямон бўлса, сен яхши бўл!*

Озодлик, фикр айтмоқ, ўзликни англаш юрак ҳукмига бўйсуниш демакдир. Қолган барча туйғулар яланғоч. Эркин сўз дунёни янгилашга қодир. Бу сўз олдида, осмонлар бошини эгади. Тоғлар саломга келади. Улуғ бобомиз Мир Алишер Навоий ҳазратлари адабиёт озодлиги, қалб озодлиги йўлида бир умр курашдилар. У киши шуни англадиларки, мана шу туйғулар бизни бирлаштиради. Мана шу туйғулар улуснинг дардига дармон бўлади.

Инсонни халққа, жамиятга яқинлаштирадиган ҳам шоир таъбири билан айтганда навобахши бўлиш ҳам қалб озодлиги маҳсулидир. Қўрқув, юракда туғилган дил амрини ошкор этмаслик кўнгилни ўлдиради. Мажруҳ кўнгилда эса озодлик чечаклари сўлади. Қалб ҳайқира олмайди. Дунёни ларзага солувчи сўзлар юракка ботади. Бир кун келиб тилга чиққанда ҳам у ўз таъсир доирасини йўқотади. Ҳазрат Навоий бизни мана шу хавфдан огоҳ этади. Ҳаттоки ўзини ёмон дея, бизни эзгулик томон етаклайди.

Қалб озодлиги. Ватан озодлиги. Булар бир пайтда жаранглайди. Акс садоси эса аждодлардан авлодларга бориб етади. Бу ёруғ оламдаги барча туйғу ва тамойилларнинг боши — озодлик. Истиқлол осмонининг қуёши — озодлик. Дунёга келган жажжи гўдакнинг чинқириб йиғлаши — озодлик. Қаранг, энди дунё билан юзма-юз келган, гўдакда ҳам сўз айтиш истаги бор. Балки қодир Оллоҳ шунинг учун унинг йўлларини ёруғ айлагандир. Биз мана шу чинқириқни асрамоғимиз керак. Йиллар ўтиб гўдак улғаяди. Унинг кўксидаги озодлик туйғуси, кўнгил кенгликлари каби янада қанот ёзади. Мана шулар эртамиз, бугунимиз, истиқлолимиз тақдири. Мамлакатимиз Президенти ҳам бугун миллат эътиборини мана шу туйғуга қаратмоқда: «Жамиятда фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги, уларни эркин ифода этиш шароитини таъминлаш. Бу энг аввало ҳар бир фуқаронинг ўз фикрини эркин ифода қилиши» демакдир.

Юртбошимиз куйиниб айтаётган мана шу пурмаъно сўзлар, мамлакат тараққиётини белгилаб беради.

Мен ўйлар исканжасида қоламан. Ҳазрат Навоий орзу қилгани каби яхши бўла олдикми? Бу яхшиликнинг машаққатли йўлларига бардош бера олдикми? Буюк шоир «Навоий ямон бўлса, сен яхши бўл» дея бизни нималарга ундадиларкин?

Бу саволлар, мана бешинчи асрни қаритдилар. Ўтмиш сабоқ. Ҳар бир ўтаётган кун тарих.

Бугун биз Истиқлол учун, қалб озодлиги учун ҳақиқий фидойилар бўлмоғимиз зарур.

Буюк бобомиз айтганлари каби яхши бўлиш учун уринайлик. Буни уддасидан чиқолмасак, ҳеч бўлмаганда, ўзни ёмон дея, кимнидир, кимларнидир яхши бўлишга ундайлик.

Машаққатли йўлда буюк Мир Алишер Навоий ҳазратларининг руҳи ёр бўлсин.

■ **Фаррух ҲАМРОЕВ**

**Эркин ВОҲИДОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири:**

***Алишер Навоийни англаш ва ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалб эҳтиёжларини, ўзлигини англаш ва ҳис этиш демакдир. Шундай экан, Навоийни, умуман мумтоз адабиётни билиш ҳар бир ўзбек фарзанди учун ҳам қарз, ҳам фарз.***

**Нуриддин ШУКУРОВ,**
**профессор:**

***Матншунос (текстолог) олим Ҳамид Сулаймон «Хазойинул маоний» асари бўйича олиб борган текширишларида таъкидлаганидек, улуғ Навоий ўзбек тилида 2600 та ғазал ёзган. Уларнинг аксарияти ғазалнинг асосий предмети бўлмиш ишқ-муҳаббат мавзусида эканлиги кўпчилик ўқувчиларга маълум, албатта. Зеро, вафо ва садоқат, дўстлик ва риёкорлик, камтарлик ва манманлик, бурч ва масъулият, фаоллик ва лоқайдлик, саҳоват ва бахиллик, меҳнаткашлик ва танбаллик, худбинлик ва инсонпарварлик, билимдонлик ва жоҳиллик, сабру қаноат ва бетоқатлик, вазминлик ва енгилтаклик каби ғоят турли-туман ғоялар ва муаммоларни ишқ-муҳаббат мавзусига йўғириб ифодалашда Навоий ўзининг бутун устакорлиги, гениал мутафаккирлиги ва улуғ маҳоратини намойиш қилган.***

## АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ОЙБЕК

Инсон ҳар қандай қийинчиликни кўтарар экан. Ойлар, йиллар ўтса ҳам, ҳаёт яхшиланиш ўрнига тобора оғирлашиб борарди. Очликдан ўзимиз ҳам, болаларимиз ҳам ўлмаслиги учун нималарни қилмадик. Ойбек ана шундай мушкул бир шароитда «Навоий» романини ёзиб тугатди.

***

Ўша йиллари Фанлар академияси ва Ёзувчилар уюшмасида Навоий ҳазратларининг 500 йиллигига катта тайёргарлик бошлаб юборилди.

Ойбек юбилей олдида газеталарга катта-катта мақолалар ёзди. Кечалари узоқ ўтириб ишларди. «Қизил Ўзбекистон»нинг (ҳозирги «Ўзбекистон овози») талай сонларида Ойбекнинг Алишер Навоий ижоди ҳақидаги давомли суҳбатлари босилди.

***

Ойбек Навоийнинг 500 йиллигига бағишланган юбилей кечасида икки соатча ўзбек тилида маъруза қилди, танаффусдан сўнг яна шунча русча ўқиди.

***

Ойбек 30-йиллардан бошлаб Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди тўғрисида материаллар йиға бошлаган эди. Ана шу материаллар асосида у 1942 йили совуқ уйда хира керосин лампа шуъласида, баъзан оч, баъзан тўқ ҳолда ўтириб, «Навоий» романини тугатган.

***

Бир куни Ойбекка московлик бир арман инженеридан хат келди. У ўз хатида «Ўзи Навоийга ўхшамаган адиб Навоий ҳақида бундай романни ёза олмаган бўларди», дебди.

***

Ҳар куни газеталарда Ойбекка қарши мақолалар чиқа бошлади. Ойбекнинг ичи қора душманлари жонжаҳдлари билан «Навоий» романига ёпишдилар. Навоий сиймоси романда ортиқча идеаллаштирилган эмиш.

■ **Тўпловчи Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли**

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири:**

***Она тилига туганмас ишқ, унинг тақдирию камолоти учун масъуллик ва ғамхўрлик — генийларни бирлаштирувчи биринчи фазилат. Данте итальян тилини халқаро йўқламада нечоғлиқ барқарор этган бўлса, Навоий ҳам шундай вазифани — жаҳоншумул ватанпарварлик ишини адо этди. Этник жиҳатдан бағоят хилма-хил, қанчадан-қанча шеваларда гаплашувчи кишилар тилига хос сўзларни адабий тил доирасига олиб кирди. Навоийнинг журъат ва жасорати, маҳорати туфайли ўзбек адабий тили мукаммал шаклланишга эришди.***



**Барот БОЙҚОБИЛОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири:**

*Навоий назмига тушдию кўзим,*
*Ҳайрат гулшанида унутдим ўзим.*
*Буюк тоғлар ичра бўлиб буюкроқ,*
*Суюк тоғлар ичра бўлиб суюкроқ,*
*Навоий кўринар кўзимга менинг,*
*Нафаси урилар юзимга менинг.*

**Азим СУЮН**

### Навоий ўгити

*Ўйнаганлар ўйнасин*
*ярашса давронига,*
*Ҳаёт ҳамиша собир,*
*Ҳаёт бу — мангу фусҳат.*
*Бад аёғин қўймайин*
*каъбаси — имонига —*
*Йиғлаганлар йиғласин*
*эл дарди бирла фақат!*

## ҲАЗРАТ НАВОИЙ ЭЪЗОЗЛАГАН МАҲАЛЛА

Ҳар бир маҳалла ўз тарихига эга. Хўжа Аҳрори Вали маҳалласи сайқали рўи замин Самарқанднинг энг қадимий маҳаллаларидан бири ҳисобланади. Тарихий манбалар гувоҳлик беришича, бундан 500 йил олдин Нақшбандия тариқатининг буюк намояндаси Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрори Вали тақдир тақозоси билан Шош вилоятининг (ҳозирги Тошкент) Боғистон музофотидан илм ва маърифат маркази Самарқандга келиб, Хўжаи Кафшер (ҳозирги Хўжа Аҳрори Вали номли) маҳалласини манзил тутади. У тез фурсатда, шаҳарнинг олиму уламолари ва шоирлари орасида катта мартабага эга бўлади. Давлат арбоблари, илм, адабиёт, санъат ва маърифат намояндалари, жумладан, ўзбек шеърияти султони Низомидин Мир Алишер Навоий Самарқандда бўлган пайтда (1466-1469 йиллар) Хўжа Аҳрори Вали даргоҳига тез-тез ташриф буюради. У билан дўстлашади, олимлар суҳбатида иштирок этади, Хўжа маслаҳати ва илғор ғояларини мамнуният билан қабул этади.

Абдураҳмон Жомий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Самарқандда яшаган вақтда маҳаллада кўп маротаба меҳмон бўлишган. Хўжани пир сифатида эъзозлашган. Орадан йиллар ўтиб улуғлар қадами теккан Хўжаи Кафшер маҳалласининг бир қисми Хўжа Аҳрори Вали номини олади.

Истиқлол туфайли Ҳазрат Хўжа Аҳрори Валининг муборак номи янгидан тикланди. Бутун дунёнинг кўп мамлакатларидан сайёҳлар келиб, ҳазрат Навоий эъзозлаган маҳалладаги Хўжа хокини зиёрат қилмоқдалар.

Юз йиллар давомида вайронага айланган маҳалла маркази, Жомий мачити ва Шердори хурд мадрасаси атрофи мисли кўрилмаган даражада ўзгарди, минг йиллик тарихга эга бўлган қабристоннинг тўрт томони баланд деворлар билан ўралди, истироҳат боғи ташкил этилди. Хўжаи Кафшер маҳалласигача асфальтланган кенг йўлнинг икки томонида янги-янги замонавий иншоотлар барпо этилди. Ҳамроқул Амриддинов, Муҳаммади Қурбонов, Шукрулло Саъдуллаев, Вафо Нарзуллаев, Карим Очилов, Камолиддин Ҳусенов сингари уруш ва меҳнат фахрийлари ва меҳмонлар ёз кунлари «Нуроний» чойхонасида ўтириб икки фаввораданотилиб чиқаётган шаффоф сув шабадасидан баҳраманд бўладилар.

Маҳалла боғу-роғларида ўнлаб хил мевали дарахтлар бор. Дарахтлар ичида ҳозир ҳам Хўжа Аҳрори Вали номи билан аталадиган «Аҳрорий зардоли» дарахти, «Аҳрорий узуми» мавжуд. Қўли гул усталар маҳалланинг ҳуснижамоли Шердори хурд мадрасаси таъмирини охирига етказдилар. Осмонўпар кўкранг гумбазининг ялтироқ нури барчага завқ бағишлайди.

■ **Акбар УСМОНОВ, журналист**

**Хуршид ДАВРОН,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

### АЛИШЕР НАВОИЙ

*Қўлга қалам олган олис кун,*
*Шеър ёзишни бошлаган ондан,*
*Қабрингизга бош эгмоқ учун*
*Боргим келар Ўзбекистондан.*
*Куз сўнггида, тахти қорача*
*Довонини босмай туриб қор,*
*Самарқанддан чиқсам мен йўлга,*
*Дилда туйиб аламу виқор.*
*Чиқсам шаҳар бағридан сўнгги*
*Хазонларни бирма-бир босиб*
*Ва кузатсин кун нури сўниб,*
*Гўри Мирнинг мовий гумбази.*
*Кечиб ўтсам Амударёни*
*Ҳилол билан бирга баробар,*
*Кечиб ўтсам бешта дунёни*
*Ва Ҳиротга кирсам тонготар...*
*Уёғини этмам тасаввур,*
*Йиғи қисар кўксимни бирдан.*
*Яшаяпман қабрингиз бир кур*
*Кўриб ўлмоқ нияти билан*
*Ва сиёҳи қуриб битмаган*
*Шеърларимга туриб юзма-юз,*
*Ҳар кун тунда йўлга чиқаман,*
*Ҳар кун тонгда қайтаман маъюс.*

## МЕҲР КЎП КЎРГУЗДИМ, АММО МЕҲРИБОНЕ ТОПМАДИМ...

*Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим,*
*Жон басе қилдим фидо, ороми жоне топмадим,*
*Ғам била жонимға еттим, ғамгусоре топмадим,*
*Ҳажр ила дилхаста бўлдум, дилситоне топмадим...*

Азиз дилдошим, бу машҳур ғазалнинг маъносини англамай ёд олганимда ҳали ўн ёшлик қизалоқ эдим. Шунда мумтоз адабиётнинг моҳир билимдони бўлмиш отамлар, ғазални ёдлаш ва ўқишнинг ўз қоидаси бор, ёдлашдан олдин тушуниш, сўзларнинг мағзини чақиш керак, деб қўлимга «Навоий асарларининг изоҳли луғати»ни тутқазгандилар... Роса луғат титкиласам ҳам кўп сўзларнинг маъносини барибир тушунмаганман, фақат меҳрибонини тополмаган шоирга жудаям раҳмим келганди. Ахир, мовий орзулар ва қайноқ меҳр оғушида яшаётган, олам нурдан, одам гулдан ясалганига ишонадиган, хаёл билан ҳаётни фарқлай олмайдиган, яхшиликка етакловчи эртакларни жонудилидан севадиган ўн ёшли ўйинқароқ қизалоқ улуғ шоирнинг улуғ дарди-ю, буюк армонини қандай ҳам англасин...

Йиллар ўтди. Энди у китобпараст, ўйинқароқ, ишонувчан қизалоқ ҳам, унинг меҳрдан қаҳрни ажратолмайдиган самимий туйғулари ҳам йўқ. У ўзининг бола кўнгли, бола хаёллари ўзи севадиган, ишонадиган эртаклар оламида қолиб кетди. Меҳр, оқибат ва самимиятнинг тақчиллигидан ҳориган мен эса, ҳар қандай гўзал ташбеҳ ва сўзларнинг бир неча маъноларини ўзида жамлаган энг мукаммал луғат ҳам кўнгилнинг дард ва армонининг туйғуларини изоҳлаб беролмаслигини тушундим. Яна шуни англадимки, Ҳазрат бобомизнинг армонларини ҳис қилмоқ учун руҳинг дард билан, ғам билан покланиши керак экан. Яна кўнгил изтироби шундай юк эканки, унинг энг кичик зарраси ҳам ҳатто асрлар оша сенинг қалбингни эзавераркан. Мен фақат энди туйғуларим меҳрсизлик тошига қайта-қайта урилиб, пешонам чақа бўлгандагина улуғ шоир кўнглидаги армоннинг ва йўқотишнинг маҳобатини, ғазалдаги тафсилот, фикр ва ҳиссиётлар силсиласини озгина бўлса-да, англагандайман. Жисму жонингиз оғриғига чидар экансиз-у, ёлғиз меҳрибонини йўқотган, дилситонини тополмай сарсон бўлган дил хасталиги, кўнгил кемтиклиги умрингизга қўшиб руҳингизни ҳам кемириб, янчиб ташларкан... Қачонлардир бизга «Навоийнинг бу ғазалида замонадан норозилик ифодаланган» деб ўргатишган эди. Энди билдимки, ҳар қандай тузум, ҳар қандай замонда ҳам меҳрга зорлик, меҳрибонга зорлик бир хил ном билан аталаркан, бир хил ном билан фарёд чекаркан...

Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим...

Гоҳо тушларимда шоир номидан меҳр сўраб зорланаётган, бор овозида чинқириб ғазал ўқиётган қизалоқни кўраман. Унинг бегуноҳ ва беғубор кўзлари ҳамон ўзи ўқиётган ғазал сўзларини маъносини инкор қилиб туради. Шундай дамларда ҳушим билан тушимни ажратолмай қийналаман. Ва ўша ишонувчан қизалоқни бу дунёнинг меҳрсизликларидан асрагим келади.

Илоё, меҳр улаша оладиган ҳар бир қалбга ўз меҳрибони, хурдодоне дилситонени топиш насиб қилсин.

■ **Ҳулкар ҲАМИДУЛЛО қизи, журналист**

**Омон МАТЖОН,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

*Ёшларни давлат ишларига*
*фаол ундаган устоз*
*ўз халқининг улуғ кишиларини*
*ўзларига ўринбосарлар тайёр*
*этишга чақиради!*
*Қайсидир авлодини қаровсиз*
*қўйган халқ*
*бу йўқотиш, бу ўпирилишни*
*бир асрда ҳам тўлдириши қийин!*
*Миллатнинг, давлатнинг*
*устуворлиги учун*
*узоқ-яқин, катта-кичик*
*демай, танлаб, инониб,*
*кўпчиликни ўйлай биладиган ёш,*
*соғлом ворислар изланг, топинг!*
*Бўладиган болалар бордир,*
*белгилидирлар:*
*Кичик ёшлиқ, аммо улуғ қадрлиқ,*
*Ҳилолида маълум ўлуб бадрлиқ.*
*(б.-тўлишиш)*
*Не шер бўлсун кичик гар улуғ,*
*Эрур савлати бирла эл қайғулуғ.*
*Улус чеҳраи оламафруздин,*
*«Билур йил келишини Наврўздин!»*

## МЕТРОНИНГ «АЛИШЕР НАВОИЙ» БЕКАТИ

### Сиз бу ерда нима ҳақида ўйлайсиз?

**Ғулом Бобожонов, талаба:**

*— Мен метронинг Алишер Навоий бекатини бошқа бекатларга қараганда ўзгача деб биламан. Ҳар доим шу бекатга тушганимда Навоийнинг «Хамса» достонининг девордаги суратлари ичидан «Фарҳод ва Ширин» олдида туриб уларга тикиламан. Лекин кўпинча йўлим бу тарафда бўлади. Бу тарафда турганимда эса «Садди Искандарий» сурати олдида тураман. Чунки бу сурат «Фарҳод ва Ширин» суратининг рўпарасидадир. Не ажабки, бу ҳол менда ҳамиша такрорланаверади.*

**Ҳикмат Турсунов, ишчи:**

*— Бу бекат икки йўлнинг ўртасида бўлгани учунми дилга яқин, чунки икки йўлни бир-бирига боғлайди-да. Демак, замон ҳам, вақт ҳам уйғунлашгандек бўлади.*

**Беҳзод, Муборак талабалар:**

*— Биз учун бу бекатдан улуғроқ — муқаддас жой йўқдек. Чунки шу бекатда танишганмиз ва ҳамиша шу бекатда бирбиримиз билан учрашамиз. Қизиқ, нима учун айнан шу бекатда? Бунинг сабаби мен «Ўзбекистон» йўлидан келаман, севгилим Муборак эса «Чилонзор» йўлидан келади. Бу бекатни биз ўзимизча «севишганлар» бекати деб атаймиз.*

■ **Ҳусниддин БЕРДИЕВ**

## НАВОИЙСИН ТОПОЛГАН ДУНЁ

*Келажакка қўйиб пойдевор,*
*Тарих сўзлар кўзгудаги бўй.*
*Назм оқар азим шиддаткор,*
*Оғушига тортиб кетар ўй.*

*Мўъжизалар яратиб ҳар он,*
*Атом асри қўл силкир гўё.*
*Менинг қалбим бир армон ўртар,*
*Навоийсин соғинган дунё.*

*Нуширавон гулгун боғида,*
*Қай наргисдан таралар ҳаё?*
*Юрагимда бир орзу ортар,*
*Навоийсин излаган дунё.*

*Ҳасадларни енголган ҳайрат,*
*Озодликка қалб очган гўё.*
*Қуёш сари кўкка бўй чўзиб,*
*Навоийсин тополган дунё.*

**Кавсар ТУРДИЕВА**

**Саҳифани «Ўзбекистон овози» мухбири ФАРРУҲ ҲАМРОЕВ тайёрлади**

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

# СЎЗГА СИҒИНГАН УМР



Ортиқали Тиловберди-ев...

Мана, бир кам эллик йилдирки, бу ном республикамизнинг газета ва журналлари саҳифаларидан тушмай келаётир. Гап шундаки, у ҳам ўзимизга ўхшаган журналист.

Унинг биринчи мақоласи 1951 йилда, тўлиқсиз ўрта мактабнинг 7-синфида ўқиб юрган пайтида Мирзачўл (ҳозирги Гулистон) тумани газетасида эълон қилинган эди. Шу-шу ул зот қалам тебратиш, ижод қилиш билан банд.

Ёшлигидан қалбида мухбирликка ҳавас куртак ёза бошлаган Ортиқали Тошкентда, олий ўқув юртида ўқишни давом эттирган кезларда ҳам матбуотда турли хабар ва лавҳалари билан қатнашиб турди. Шу боис бўлса керак, 1959 йили Қишлоқ хўжалик институтини битиргач, уни «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») газетасининг қишлоқ ёшлари бўлимига ишга таклиф этишди. Ўшандан эътиборан унинг сермашаққат журналистик фаолияти бошланди.

Ортиқали аканинг асосий меҳнат фаолияти республика радиосида кечди. Аввал Сирдарё вилояти радиосида тўрт йил бош муҳаррирлик қилди. Сўнгра уни республика радиосига ўтказишди. Бу даргоҳда у роппа-роса 26 йил қишлоқ хўжалиги эшиттиришлари бош таҳририятини бошқарди.

У республика радиожурналистлари орасида биринчи бўлиб вилоятлараро бевосита мулоқотларни — сим орқали суҳбатларни йўлга қўйди ва уни изчил давом эттирди. Радиотингловчилар бевосита эфирга узатилган ана шу жонли эшиттиришларни ҳали-ҳануз яхши эслашади.

Республикамиз мустақилликни қўлга киритгач, Ортиқали ака ҳам бошқа касбдошлари қатори янги куч, янги илҳом билан ишга астойдил киришиб, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бозор муносабатларини шакллантириш, мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини жадаллаштириш ва ҳоказолар унинг ижодида асосий мавзу бўлиб қолди.

Ортиқали аканинг кўп йиллик меҳнат фаолияти, тинимсиз изланишлару интилишлари меваси сифатида юзага келган «Парвоз», «Мирзачўл — мардлар маскани», «Тўкин дастурхон», «Довон», «Қутлуғ излар» сингари 10 дан зиёд рисолалари кўпчиликнинг эътиборини қозонди.

Журналист ҳозир «Тошкент ҳафтаномаси» газетасида ишлаётир. Шаҳарнинг йилдан-йилга ҳам энига, ҳам бўйига ўсиб бораётганлиги, унинг бунёдкор кишилари, турли касб эгаларининг қувонч ва ташвишлари журналист тайёрлаётган ранг-баранг лавҳа ва хабарларда ўз ифодасини топмоқда. Шу билан бирга Ортиқали ака республиканинг бошқа матбуот нашрларида ҳам фаол иштирок этиб, газетхонлар эътиборига долзарб мавзудаги материалларни ҳавола этмокдаки, бу унинг ўтган йиллар давомида журналистикада бой тажриба тўплаганлигидан далолатдир. Хусусан, унинг «Юксалавер, бош кентим», «Эгалик бўлса боғ..», «Яшил бойлик», «Хафсаласизлик... меваси», «Ўғлингизга атаб терак экканмисиз?», «Оқ халатнинг оханрабоси», «Томчиси тиллога тенг», «Сув ёки унинг ҳаётдаги ўрни, аҳамияти хусусида» каби қатор публицистик чиқишлари, замондошларимиз ҳаётидан ёзган ўнлаб лавҳа ва очерклари фикримизга мисол бўла олади.

Ортиқали ака газета ва журналларда фаол иштирок этиш билан бирга, ўзининг 30 йиллик қадрдони бўлиб қолган радио билан алоқани асло узгани йўқ. Иқтисодиёт ва қишлоқ ҳаёти, маънавият ва маърифат эшиттиришларида ўзининг турли мавзулардаги чиқишлари билан мунтазам қатнашиб келяпти.

— Менинг журналистикага бўлган қизиқишим умрим мазмунига айланди, — дейди Ортиқали ака Тиловбердиев.

Фидойилик, заҳматли меҳнат, иродаю иқтидор, сабр-тоқатни талаб қиладиган журналистликдек машаққатли касбни танлаб, уни мудом улуғлаб келаётган устоз ҳамкасбимиз Ортиқали аканинг ўзига хос мақолаларини ҳали кўп ўқийсиз ва ўшанда унинг ижодига яна бир бор ўзингиз баҳо берасиз.

■ **Алимқул СУЛТОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасида бўлган йиғилишда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи чақириқ биринчи сессиясида «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз» маърузаси атрофлича таҳлил қилинди. Уюшманинг 2000 йилдаги маънавий-маърифий тасвирий тарғиботини янада чуқурлаштириш борасида қилинадиган вазифалари белгилаб олинди.

Анжуманда уюшма бошқаруви раиси Исфандиёр Латипов маъруза қилди.

■ **Ҳусниддин БЕРДИЕВ**


**Олий ва Ўрта махсус таълими, Халқ таълими, маданият, ҳуқуқ муассасалари, савдо ташкилотлари ва фирмалари раҳбарлари, шунингдек, барча юридик ҳамда жисмоний шахслар диққатига!**

## «ИШОНЧ-М»

**очиқ турдаги акциядорлик жамияти (собиқ «Узбеккинодеталь» заводи) ўзининг ва буюртмачининг хомашёсидан қуйидаги маҳсулотларни тайёрлаб беради ва сотади:**

— креслолар — томошахоналар, мажлис, йиғилиш заллари учун
— стуллар (темир оёқли) — ошхоналар, синф ва хоналар учун
— айланма креслолар — раҳбарлар ва ходимлар учун, сартарошхона учун
— банкеткалар — фойе, вестибюль ва жамоа учун
— кушеткалар — тиббиёт идоралари учун ҳамда ҳордиқ учун
— ўқув парталари
— болалар кроватлари
— истироҳат боғлари учун ўриндиқлар
— офис мебеллари ва томошахоналар креслоларини таъмирлаш
— буюртмага асосан ёғочдан ҳар хил рейкалар
— ишлаб чиқариш учун штамплаш ва пайвандлаш ишларини бажариш
— темир эшиклар, ҳар хил панжаралар
— автомашина ўриндиқлари учун чехоллар
— француз пардалари, портьерлар, ломбрикенлари ва бошқа тикув маҳсулотлари

**2000 йилда сиз билан ишлашга ва ҳамкорлик қилишга тайёрмиз**
**Манзилгоҳ: Тошкент шаҳар, 700100, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 35-уй,**
**Телефонлар: 55-88-57, 55-99-01, 54-08-98.**


ШОХ+МОТ

# ФИЛ СУРИБ...

*Кўп йиллардан бери Голландиянинг Вейкан-Зее шаҳрида ўтказиб келинаётган йирик халқаро турнирларнинг сўнггиси ҳам якунланди. Рейтинг даражалари юқори бўлган гроссмейстерлар баҳсининг якунловчи қисмини кўтаринки руҳда ўтказган жаҳон чемпиони Гарри Каспаров нафақат пешқадамларни қувиб етиш, балки уларни маҳв этиб, ўзиб кетишдек вазифани уддалади. Машҳур Ананд, Крамлинг сингари гроссмейстерлар ғолибдан нақ бир ярим очко ортда қолиб кетдилар. Шундай, ҳозирча Каспаровга бас келиш осон бўлмаяпти.*

* * *

*Швейцариянинг Женева шаҳрида ўтказилган яна бир улкан халқаро турнир ҳам якунланди. Буниси кўпкарра Ўзбекистон чемпиони, халқаро гроссмейстер Александр Ненашевнинг ютуғи билан эсда қоларли бўлди.*

* * *

*Айни кунларда Республика шахмат клубида эркаклар ўртасида Ўзбекистон 65-чемпионатининг биринчи лига турнири давом этмоқда. Унда шахмат тахтаси катаклари сонига тенг — 64 киши иштирок этмоқда. Аёллар ўртасидаги худди шундай мусобақа Тошкентдаги 41-мактабда давом этмоқда. Унда вилоятлардан келган 44 нафар хотин-қизлар ўзаро дона суришмоқда. Ғолиблар олий лига мусобақаларига йўлланма оладилар.*

* * *

*Яқинда Чимкент шаҳрида халқаро турнир ўтказилди. Унда Тошкентлик тажрибали халқаро мастер Дмитрий Қаюмов 9 имкониятдан 6 очко тўплаб, иккинчи соврин ҳамда гроссмейстерликка битта балл олиш учун белгиланган талабни бажариб қайтди.*

■ **Мамажон МУҲИДДИНОВ**


ТАШКИЛОТ

*«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни*
**сотади**

ҲАҚ ТЎЛАШ – ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг омборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин

**Манзил**
*Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.*
Телефон: 54-56-11.
Факс: 54-56-97 Пейжер: (067) 90-79


«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси таҳририятнинг собиқ ходими Муҳаммаджон Отабековга ўғли **ШАВКАТЖОН**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги «Артмадад» махсус жамғармаси бирлашма бош директори, жамғарма бошқаруви раиси, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузовга волидаи муҳтарамаси **БУВИНИСО аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча фирма ва ташкилотлар раҳбарлари

# ДИҚҚАТИГА!

**Пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича Наманган вилоят филиали Наманган вилоят капитал қурилиш бошқармаси номидан 2000 йилда қурилиб топшириладиган объектларга керакли бўлган қуйидаги материал ва жиҳозлар бўйича**

## танлов савдолар (тендерлар)ни ташкил қилади ва ўтказади

| Т/р | Материал ва жиҳозлар номи | Ўлчов бирлиги | Русуми | Сони |
|---|---|---|---|---|
| 1. | *Трансформатор подстанция* | к-т | 2 ГКТП-630/6 | 1 |
| 2. | *Трансформатор подстанция* | к-т | К42-630-М | 1 |
| 3. | *Трансформатор п/ст.с.транс(ТМ-2х40)* | к-т | К42-400-М | 1 |
| 4. | *Трансформатор подстанция* | к-т | 2ГКТП-250 | 1 |
| 5. | *Трансформатор подстанция* | к-т | ГКТП-160 | 2 |
| 6. | *Трансформатор подстанция* | к-т | КТП-100 | 3 |
| 7. | *Трансформатор подстанция* | к-т | КТП-63 | 2 |
| 8. | *Трансформатор подстанция* | к-т | КТП-40 | 1 |
| 9. | *Кабель силовой с аллюмин жилами* | км | ААШВУ-3х95-10 | 0,9 |
| 10. | *Кабель силовой с аллюмин жилами* | км | ААШВУ-3х70-10 | 0,4 |
| 11. | *Провод голый* | тн | А-70 | 0,5 |
| 12. | *Провод голый* | тн | А-50 | 0,3 |
| 13. | *Провод голый* | тн | А-35 | 0,2 |
| 14. | *Провод голый* | тн | А-70 | 0,1 |
| 15. | *Провод голый* | тн | А-16 | 0,6 |
| 16. | *Шкаф отходящ. кабельной линии* | к-т | КРН-111-10 | 1 |
| 17. | *Шина аллюмин электрическая* | м | АД31-6к80 | 50 |
| 18. | *Кабель контрольный* | км | АКВВГ 7х2,5 | 0,5 |
| 19. | *Кабель контрольный* | км | АКВВГ 5х2,5 | 0,6 |
| 20. | *Кабель контрольный* | км | АКВВГ 4х2,5 | 0,8 |
| 21. | *Кабель силовой с аллюмин жилами* | км | АВВГ 3х150+1х50 | 0,3 |
| 22. | *Кабель силовой с аллюмин жилами* | км | АВВГ 3х120+1х35 | 0,45 |
| 23. | *Кабель силовой с аллюмин жилами* | км | АВВГ 3х95+1х35 | 0,6 |
| 24. | *Кабель силовой с аллюмин жилами* | км | АВВГ 4х35 | 0,25 |
| 25. | *Кабель силовой с аллюмин жилами* | км | АВВГ 4х25 | 0,32 |
| 26. | *Кабель силовой с аллюмин жилами* | км | АВВГ 4х6 | 1,1 |
| 27. | *Кабель силовой с аллюмин жилами* | км | ВВГ 3х185+1х120 | 0,1 |
| 28. | *Кабель силовой с медными жилами* | км | ВВГ3-150+1х50 | 0,15 |
| 29. | *Кабель силовой с медными жилами* | км | ВВГ3х120+1х70 | 0,1 |
| 30. | *Кабель силовой с медными жилами* | км | ВВГ 3х95+1х50 | 0,3 |
| 31. | *Кабель силовой с медными жилами* | км | ВВГ 3х50+1х25 | 0,45 |
| 32. | *Кабель силовой с медными жилами* | км | ВВГ 3х70+1х30 | 0,51 |
| 33. | *Кабель силовой с медными жилами* | км | ВВГ3х35+1х16 | 0,6 |
| 34. | *Кабель силовой с медными жилами* | км | ВВГ 3х16+1х10 | 0,9 |
| 35. | *Кабель силовой с медными жилами* | км | ВВГ 4х25 | 0,5 |
| 36. | *Кабель силовой с медными жилами* | км | ВВГ 4х16 | 0,6 |
| 37. | *Кабель силовой с медными жилами* | км | ВВГ 4х10 | 0,8 |
| 38. | *Кабель силовой с медными жилами* | км | ВВГ 4х6 | 1 |
| 39. | *Кабель силовой с медными жилами* | км | ВВГ 4х4 | 1 |
| 40. | *Кабель силовой с медными жилами* | км | ВВГ 3х10 | 1 |
| 41. | *Кабель силовой с медными жилами* | км | ВВГ 3х6 | 1 |
| 42. | *Кабель силовой с медными жилами* | км | ВВГ 2х6 | 1,4 |
| 43. | *Кабель силовой с медными жилами* | км | ВВГ 2х4 | 1,4 |
| 44. | *Кабель силовой с медными жилами* | км | ВВГ 2х10 | 1,6 |
| 45. | *Кабель 2х2,5 3х2,5* | км | АВВГ | 1,8 |
| 46. | *Кабель 3х4 мм* | км | АВВГ | 1,4 |
| 47. | *Кабель 2х2,5 мм* | км | ВВГ | 2 |
| 48. | *Кабель 4х2,5 мм* | км | ВВГ | 2 |
| 49. | *Кабель 10х2,5* | км | АКВВГ | 0,4 |
| 50. | *Кабель контрольный 10х2,5* | км | АКВВГ | 0,4 |
| 51. | *Кабель телефонный 10х2х0,4* | км | ТПП | 1,0 |
| 52. | *Кабель радиочастоточный 20х2х0,5* | км | ТПП | 0,6 |
| 53. | *Кабель радиочастоточный 30х2х0,5* | км | ТПП | 0,4 |
| 54. | *Провод с аллюмин жилами сеч. 2х2,5мм* | км | АППВ | 3 |
| 55. | *Провод с аллюмин жилами сеч. 2х4мм* | км | АППВ | 0,6 |
| 56. | *Провод с аллюмин жилами сеч. 2,5мм* | км | АПВ | 2 |
| 57. | *Провод с аллюмин жилами сеч. 4мм* | км | АПВ | 0,6 |
| 58. | *Провод с аллюмин жилами сеч. 6мм* | км | АПВ | 0,8 |
| 59. | *Провод с аллюмин жилами сеч. 10мм* | км | АПВ | 0,75 |
| 60. | *Провод с аллюмин жилами сеч. 16мм* | км | АПВ | 0,25 |
| 61. | *Провод 3х4 мм* | км | ППВН | 0,4 |
| 62. | *Провод 3х2,5 мм* | км | ППВ | 5 |
| 63. | *Провод 3х4 мм* | км | АППВ | 0,7 |
| 64. | *Провод 2х1,2 мм* | км | ПРППМ | 0,8 |
| 65. | *Провод 2х0,8 мм* | км | ПРППМ | 2 |
| 66. | *Провод телефонный 1х2х0,5* | км | ТРП | 2 |
| 67. | *Провод радиотелефонный 2х1,2* | км | ПТПЖ | 2,5 |
| 68. | *Провод радиотелефонный 2х1,8* | км | ПВЖ | 0,4 |
| 69. | *Светильник с люмин. лампами* | шт | ЛСО-2х40 | 2000 |
| 70. | *Светильник с люмин. лампами* | шт | ЛПО-2х40 | 2000 |
| 71. | *Светильник с люмин. лампами* | шт | ЛПО-16х40 | 1000 |
| 72. | *Светильник с накалом лампы* | шт | НСП 0,3-60 | 1000 |
| 73. | *Светильник настенный* | шт | НБО-1х100 | 1000 |
| 74. | *Светильник* | шт | ЛПО-4х40 | 800 |
| 75. | *Светильник люминицентный* | шт | ПВЛМ-2х40 | 800 |
| 76. | *Светильник накаливания* | шт | УСП-2х40 | 350 |
| 77. | *Светильник* | шт | ПСХ-60 | 200 |
| 78. | *Световой указатель «Выход»* | шт | СУВ-МУЗ | 210 |
| 79. | *Лампа люминицентная* | шт | ЛБ-40 | 10000 |
| 80. | *Стартер* | шт | СК-220 | 10000 |
| 81. | *Щит аварийный осв-ный на 6 и 12 групп* | шт | ШЛО | 35 |
| 82. | *Щит распределительный* | шт | ПР 850.-046 | 50 |
| 83. | *Щит распределительный* | шт | ШР11-76701 | 50 |
| 84. | *Вводно-распределительное устройство* | шт | ВРУ1 | 35 |
| 85. | *Магнитопускатель* | шт | ПМЛ 322 | 140 |
| 86. | *Телефонный аппарат* | шт | Спектр | 100 |
| 87. | *Эл. звонок* | шт | М31 | 75 |
| 88. | *Громкоговоритель* | шт | Тайга-304 | 400 |
| 89. | *Динамический громокоговоритель* | шт | ГР 16 | 200 |
| 90. | *Эл. первичные часы* | шт | ЭПЧ | 15 |
| 91. | *Эл. часы сигнальные* | шт | ЭВЧС-180 | 15 |
| 92. | *Эл. вторичные часы* | шт | ВЧС 1 | 140 |
| 93. | *Насос ц/б* | шт | К8/18К20/30 | 4тадан |
| 94. | *Насос ц/б* | шт | К 6550-160 К45/30 | 3тадан |
| 95. | *Бытовой кондиционер* | шт | БК-1500 | 20 |
| 96. | *Кондиционер* | шт | БК-2000 | 20 |
| 97. | *Вентилятор бытовой* | шт | Самал | 40 |
| 98. | *Вентилятор потолочный* | шт | СОЮЗ | 20 |
| 99. | *Вентилятор осевой* | шт | ВПК 42 | 20 |
| 100. | *Вентилятор крышной* | шт | ВКР | 40 |
| 101. | *Вентилятор ц/б №2.5,№3.15,№4,№5* | шт | ВЦ 4-75 | 50 |
| 102. | *Задвижка чугунный* | шт | д100,д80,д50 | 30/10/ 40 |
| 103. | *Калорифер* | шт | КВС 6.7 12ВБ-8 | 25 |
| 104. | *Фильтр ячейковый* | шт | ФЯР | 50 |
| 105. | *Счётчик 3х фазный* | шт | СА4-И672М | 18 |
| 106. | *Счётчик турбинной* | шт | ВТГ-50, 80 | 10 |
| 107. | *Антенна телевизионная* | к-т | | 7 |
| 108. | *Абонентский трансформатор* | шт | ТАМУ-10 | 10 |
| 109. | *Пожарный гидрант* | шт | ПГ-3000 | 7 |
| 110. | *Водосчётчик* | шт | Д25,32,40,65,80,100 | 25 |
| 111. | *Газосчётчик* | м3 | 6м3, 10м3, РГ-40, 50, 80, 100 | 2тадан |
| 112. | *Рукава пожарный* | к-т | Д-50 | 50 |
| 113. | *Кнопки* | шт | ПКЕ-212 | 50 |
| 114. | *Автомат на 16а,25а,40а* | шт | АП-3МТ | 10 тадан |
| 115. | *Автомат* | шт | 25А, 40А, 50А, 63А, 100А, 160А, 250А, 400А | 10 тадан |
| 116. | *Контактор* | шт | 100А, 250А, 400А | 2тадан |
| 117. | *Магнитопускатель* | шт | ПМЕ-222 | 20 |
| 118. | *Магнитопускатель* | шт | ПМЕ-332 | 20 |
| 119. | *Магнитопускатель* | шт | ПМЕ-411 | 20 |
| 120. | *Магнитопускатель* | шт | ПМЕ-512 | 20 |

**Юқорида кўрсатилган материал ва жиҳозлар бўйича тендер ҳужжатларини пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича Наманган вилоят филиалидан олишингиз мумкин.**
**Манзилгоҳ: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 36-уй («Матбуот уйи» биноси 4-қаватида)**
**Телефон: 8 (36922) 6-14-50**


БОШ МУҲАРРИР
*Азим СУЮН*

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ


*Абдулла ОРИПОВ*
*Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ*
*Азиз НОСИРОВ*
*Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ*
*Ислом ШОҒУЛОМОВ*
*Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)*
*Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)*
*Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)*
*Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)*
*Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)*


МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

*Сиёсат — 133-20-36*
*Иқтисодиёт — 133-76-04*
*Маънавият — 133-07-20*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16*
*Ахборот — 133-12-56*
*Котибият — 133-21-43*
*Факс — 133-47-80,133-38-55, 133-73-43, 133-06-83*

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

*Андижонда — 25-16-16;*
*Бухорода — 23-51-40;*
*Гулистонда — 25-16-22;*
*Жиззахда — 3-29-44;*
*Навоийда — 3-39-20;*
*Наманганда — 6-43-43;*
*Нукусда — 222-70-12;*
*Самарқандда — 35-20-54;*
*Тошкентда — 136-12-56;*
*Урганчда — 226-51-35;*
*Фарғонада — 26-46-84;*
*Қаршида — 4-61-35;*
*Термизда — 3-79-98.*

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

НАВБАТЧИ
*Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ*

Газета «Ўзбекистон овози»-нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

САҲИФАЛОВЧИ-ДАСТУРЧИ
*Бахтиёр ЖУМАНОВ*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: *Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
*Ҳажми 2 босма табоқ.*


«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.


Г — 092

*Топшириш вақти -- 21.00.*
*Топширилди --* 22.20
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА